



Yuridik shaxsnı tadbirkorlik subyektini qayta royxatdan o'tkazganlıq xaqida  
mallumotnoması

۲۰۷

	Ozgarishdan oldin	Ozgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsnинг - tadbirkorlik subyektining nomi <b>200523159, GIDROMAXSUSQURILISH</b>	Yuridik shaxsnинг - tadbirkorlik subyektining nomi Ozgarishlarsiz
2	THSh Aksiyadorlik jamiyat	THSh Ozgarishlarsiz
3	Faqiliyat yuritish manzili Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, <b>SAYRAM KO'CHASI, 39-A-UY,</b>	Faqiliyat yuritish manzili Ozgarishlarsiz
4	IFUT Ko'priklar va tunnellar qurish	IFUT Ozgarishlarsiz

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	0	AKSIVADORLAR	1 875 043 200.00	100.00 %
			Ustav fondi 1 875 043 200.00 UZS	100.00 %

O'zgarishdan keyingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	304952767	"O'ZBEKGIDROENERGO" AKSIYADORLIK JAMIYATI	1 781 291 040.00	95.00 %

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi		Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200523159	AKSIYADORLAR		93 752 160.00	5.00 %
<b>Ustav fondi 1 875 043 200.00 UZS</b>					<b>100.00 %</b>

Tashkent shahri Mirzo Iliga hokumani DAVLAT XIZMATI ABI MASKAZI

СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

A blue ink sketch of a stylized plant or flower, possibly a lily, with a large bulbous base and long, sweeping leaves extending upwards and to the right.

000465



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"GIDROMAXSUSQURILISH" Aksiyadorlik jamiyatি**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektiining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"GIDROMAXSUSQURILISH" AJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.05.2004

000465-04

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200523159

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, SAYRAM KO'CHASI, 39-A-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«GIDROMAXSUSQURILISH»

акциядорлик жамияти акциядорларининг

2022 йил 30 июндаги

навбатдаги умумий

йиғилиши карори билан



## “GIDROMAXSUSQURILISH”

акциядорлик жамияти

### УСТАВИ

(янги таҳрири)

Тошкент - 2022 йил

## МУНДАРИЖА

I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
II.	ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ .....	3
III.	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ .....	5
IV.	ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ .....	6
V.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ .....	6
VI.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ .....	7
VII.	ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ.....	7
VIII.	ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ .....	8
IX.	ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ .....	9
a)	Жамият акциядорларининг умумий йигилиши .....	9
b)	Жамият кузатув кенгаши.....	12
c)	Жамиятнинг ижроия органи (Бош директор).....	16
X.	ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.....	18
XI.	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	20

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан буён матнда “Жамият” деб аталувчи “Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2004 йил 31 мартағи 41-к-ПО-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманинг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши Инспекцияси томонидан 2004 йил 18 майда № 000465-04 сон билан давлат рўйхатига олинган.

1.3. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПФ-5044-сонли “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сонли “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиши муносабати билан “GIDROMAXSUSQURILISH” акциядорлик жамияти “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти тизимиға киритилган.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа меъёрий - хукуқий хужжатларга мувоғиқ олиб боради.

1.5. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

♦ давлат тилида (лотин алифбосида) - «**GIDROMAXSUSQURILISH**» aksiyadorlik jamiyati;

♦ давлат тилида (кирилл алифбосида) -«**ГИДРОМАХСУСҚУРИЛИШ**» акциядорлик жамияти;

♦ рус тилида - Акционерное общество «**ГИДРОСПЕЦСТРОЙ**»;

♦ инглиз тилида - Joint-Stock Company «**GIDROMAXSUSQURILISH**».

1.6. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

♦ давлат тилида (лотин алифбосида) - «**GIDROMAXSUSQURILISH**» AJ;

♦ давлат тилида (кирилл алифбосида) - «**ГИДРОМАХСУСҚУРИЛИШ**» АЖ;

♦ рус тилида - АО «**ГИДРОСПЕЦСТРОЙ**»;

♦ инглиз тилида - JSC «**GIDROMAXSUSQURILISH**».

1.7. Жамиятнинг жойлашган ери, юридик ва почта манзили:

**Юридик манзили:** 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 39А уй.

**Жойлашган ери ва почта манзили:** 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 22 уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@gidross.uz](mailto:info@gidross.uz)

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.gidross.uz](http://www.gidross.uz)

## II. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк хисобвараклари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг firma номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муюмаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқук назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.11. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб хисобланади.

2.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.13. Жамиятнинг мол – мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қофозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

2.14. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.15. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.16. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очиши, ушбу шуъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.17. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, улар Жамиятнинг кузатув кенгashi тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

2.18. Жамият ўз фаолиятини мувофикалаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.19. Жамият чекланмаган муддатга тузилган.

### **III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

3.1. Жамият тижорат ташкилоти булиб, унинг асосий мақсади молия - хужалик фаолиятидан фойда олишdir.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолияти гидротехник иншоотларини қуриш, очик тоғ ва ерости ишларни амалга ошириш ҳисобланади.

3.3. Ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун жамият қуидаги фаолият турларини амалга оширади:

- турли кесимларда ер ости ковланган жойларни қуриш;
- карьер ва автойулларда очик бургулаш-портлаштиш ишлари, тупроқни юмшатиш, контурли портлатиш ишларини қўллаган ҳолда котлованлардаги маҳсус ишлар;
- маҳсус гидротехник ишлар (инъекцион ва цементацион пардалар, мустаҳкамловчи, майдонли цементация; бўшликларни ёпиш ва курилиш чокларини цементлаш) ва бошқалар;
- грунтни кимёвий мустаҳкамлаш;
- бетонли иншоотларни созлаш (бетонни цементлаш усули билан янгилаш, торкret, сачратма-бетон);
- баланд иншоотларни (баландлиги 130 м.гача булган градирен) қуриш;
- қудукларни бургулаш ва уларни 300 м.гача чуқурликка сувга жойлаштириш;
- энерготизим ва сув хўжалиги корхоналари, бошқа корхоналар, шунингдек бошқа шахсларга икки томонлама фойда асосида ташки иктиносидий фаолият хизматларини кўрсатиш;
- янги хорижий технологияларни жорий килиш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларга тузилган шартномалар асосида моддий-техник ресурслар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарларни тақдим этиш;
- қурилиш, монтаж, созлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш ишларини ташкил этиш;
- лойиха-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- саноат-тадбиркорлик ижтимоий ва маданий-маиший йуналишдаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, созлаш ва эксплуатация қилиш;
- илфор технологиялар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий-техник, конструкторлик, лойиҳавий ишланмаларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқариш ва жорий этишда техник ёрдам курсатиш;
- илмий-тадқиқот, қидирав, лойиҳавий, экспериментал ишларни ўтказиш;
- қурилиш материаллари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш;
- туннеллар ва кўприклар қуриш;
- юридик ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва майший характердаги хизматларни кўрсатиш;
- ижара фаолиятини амалга ошириш, кўчар ва кўчмас мулкни ижарага бериш;
- улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;
- ҳалқ хўжалиги ва техник ишлаб чиқариш йуналишидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ваколатларнинг пудрати, ижараси, заём, фьючерс, комиссия, сақлаш, ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига зид булмаган битим ва шартномалар асосида саноат, техник, комиссион, траст, лизинг, инжиниирингга оид хизматлар (ишлар)ни курсатиш;
- белгиланган тартибда ташки иктиносидий фаолиятни амалга ошириш;
- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

3.4. Жамият маҳсус руҳсатнома (лицензия) талаб қиласидиган фаолият турини амалга ошириш учун тегишли маҳсус руҳсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ**

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамият Устав капитали миқдори 1 875 043 200 (бир миллиард саккиз юз етмиш беш миллион қирқ уч минг икки юз) сўмни ташкил қиласиди ҳамда ҳар бирининг номинал қиймати 1 384 (бир минг уч юз саксон тўрт) сўм бўлган 1 354 800 (бир миллион уч юз эллик тўрт минг саккиз юз) дона акциялардан иборат. Акциялар 1 320 800 (бир миллион уч юз йигирма минг саккиз юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 34 000 (уттиз тўрт минг) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

4.3. Жамиятнинг устав капитали жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.4. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав капиталининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони, номинал қиймати 1 384 (бир минг уч юз саксон тўрт) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) дона оддий ва 192 308 (бир юз тўқсон икки минг уч юз саккиз) дона имтиёзли акциялардан иборат.

#### **V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ**

5.1. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.3. Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.4. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

5.5. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамиятнинг устав капиталини қушимча акцияларни жойлаштириш йули билан купайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан Конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.7. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қушимча акцияларни жойлаштириш йули билан купайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга кайси турдаги акциялар тегишли булса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишида тақсимланади. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.8. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблаглари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб уларни имтиёзли олиш ҳукуқига эга.

5.9. Имтиёзли ҳукукни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.10. Имтиёзли ҳукукка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.11. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

5.12. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

5.13. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳакини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.14. Соликка оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушкини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камидан учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташкари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ**

6.1. Жамиятнинг устав фонди капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йули билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор килган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йули билан камайтирилиши мумкин.

6.2. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

6.3. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.4. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, хужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳукуки депо-ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.2. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тутатилган тақдирда унинг мулклари

тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

7.3. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

7.4. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng хукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл кўйилмайди.

7.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Имтиёзли акция ўз эгасига хар йили бир дона акция номинал қийматининг 20 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш хукукини беради.

7.7. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.8. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

7.9. Жамият томонидан корпоратив облигациялари чиқарилган тақдирда улар жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

7.10. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

7.11. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

7.12. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

### VIII. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

8.3. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан ташкил этиладиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни, шу жумладан инновацион фаолиятни қўллаб-куватлаш фондини ташкил этади.

8.4. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.5. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди

тузилади. Захира фондига белгиланган микдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз микдорида ажратмалар ўтказади.

8.6. Захира фонди тўлалигича ёки кисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамиятнинг захира фондидан ташқари бошқа фонdlар, кузатув кенгашининг таклифига асосан акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига асосан ташкил этилади ҳамда ушбу фонdlарнинг маблағларини шакллантириш ва фонdlарнинг маблағларини ишлатиш акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

## **IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

9.1. Жамият бошқарув органлари қуйидагилар:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши
- Кузатув кенгаши
- Ижроия органи (Бош директор).

### **a) Жамият акциядорларининг умумий йигилиши**

9.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йигилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йигилиши одатда ҳар йили июн ойининг учинчи декадасида ўтказилади.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтишчини сайлаш тўғрисидаги, жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш масалалари ва жамият йиллик хисботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

9.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.7. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

9.8.1 жамият уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

9.8.2 жамиятни қайта ташкил этиш;

9.8.3 жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

9.8.4 жамият кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация пулларни тўлаш тартибини ва (ёки) микдорини белгилаш;

9.8.5 эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

9.8.6 жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

9.8.7 ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

9.8.8 жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамият ижроия органини тузиш, жамият бош директорининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи низомни тасдиқлаш;

9.8.9 жамият бош директорини сайлаш (тайинлаш, ёллаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда жамият бош директорини тайинлаш тўғрисидаги карор,

одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;

9.8.10 жамиятнинг молиявий йил якуни бўйича соф фойдадан тўланадиган рағбатлантирувчи тўловлар миқдорларини белгилаш;

9.8.11 жамият тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. тафтиш комиссиясига мукофот ва компенсация пулларини тўлаш тартибини (миқдорини) белгилаш;

9.8.12 жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

9.8.13 жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;

9.8.14 жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг холосаларини эшлиши;

9.8.15 акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

9.8.16 акциядорнинг жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли ҳукукини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.8.17 акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

9.8.18 Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг (куйида Қонун деб юритилади) 8 - бобига асосан баланс киймати ёки олиш киймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи молмулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

9.8.19 Қонунинг 9 – бобига асосан жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.8.20 дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

9.8.21 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

9.8.22 жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жумладан бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-каршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

9.8.23 мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.8.24 мустакил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.8.25 электрон почта оркали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилиши видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

9.8.26 ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.8.27 миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлар қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлар қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

9.8.28 Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисбот берувчи жамият бошқарув ва назорат органлари маъruzalari (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорларнинг умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

9.8.29 ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти бўлган йўналишларни (фаолият турларини, битимларни предметларини) белгилаш (рўйхатини тасдиқлаш);

9.8.30 қонунчиликда ва мазкур уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.9. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

9.11. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал этиш учун жамиятнинг кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, амалдаги қонунчилик ва ушбу уставда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

9.12. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йигилишининг қарори, агар қонун хужжатларида ва ушбу уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йигилишида иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан кабул қилинади.

9.13. Мазкур уставнинг “9.8.1”, “9.8.3”, “9.8.5.”, “9.8.14.”, “9.8.18.”, “9.8.19”-бандларида кўрсатилган масалалари бўйича карорлар, акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан кабул қилинади.

9.14. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.15. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.16. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.17. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив аҳборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий аҳборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.18. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгали акциядорлар умумий йигилиши кун тартиби, фойдани таксимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йигилиш ўтказилгунга кадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

9.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.20. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5

фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тұғрисида талаби тақдим этган санадан әътиборан 10 кун ичидә Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тұғрисида ёки йиғилишни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

9.21. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган тақорорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.22. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

9.23. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирилмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.24. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият Бош директори Жамият ижроия органини сайлаш масаласида овоз бериш хуқуқига эга эмас.

9.25. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона портала жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

9.26. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

9.27. Жамиятнинг миноритар акциядорлари хужжатларни асоссиз равищда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қиласлиги лозим.

9.28. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлик бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисида”ги Низоми билан тартибга солинади.

#### b) Жамият кузатув кенгаши

9.29. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.30. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

9.30.1. Жамият бизнес-режаси кўрсатқичлари бажарилиши, шунингдек, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тұғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равищда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

9.30.2. жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чакириш, қонунчилиқда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

9.30.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш (белгилаш);

9.30.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

9.30.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар килиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

9.30.6. мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

9.30.7. Жамиятнинг устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

9.30.8. акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.30.9. аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви ва Халкаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудит бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор килиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.30.10. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

9.30.11. Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

9.30.12. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш, шунингдек жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.30.13. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.30.14. жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофикалигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

9.30.15. жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиши шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

9.30.16. жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

9.30.17. жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

9.30.18. жамият тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

9.30.19. жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан жамият кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари факат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

9.30.20. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

9.30.21. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунинг 8 - бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш

тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

9.30.22. қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

9.30.23. жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш;

9.30.24. жамиятнинг филиаларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш, шунингдек жамият филиалари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;

9.30.25. жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

9.30.26. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

9.30.27. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

9.30.28. жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш хукуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

9.30.29. ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

9.30.30. ушбу устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият Кузатув кенгashi ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

9.31. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.32. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг микдор таркиби 5 (беш) кишидан иборат..

Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгashi аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

9.33. Жамиятнинг Кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

9.34. Кузатув кенgashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенgashi сайланиши лозим бўлган шахслар соңига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенgashi таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.35. Жамият Бош директори Жамиятнинг Кузатув кенgashi сайланиши мумкин эмас.

9.36. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенgashinинг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

9.37. Жамият Кузатув кенgashinинг раиси Кузатув кенgashi аъзолари томонидан уларнинг ўzlari орасидан Жамият Кузатув кенgashi аъзолари умумий соңига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

9.38. Жамият Кузатув кенgashi ўz раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайta сайлашга ҳақлидир.

9.39. Жамият Кузатув кенgashinинг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенgashi мажлислирини чакиради ва уларда раислик қиласди, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қиласди ва Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини имзолайди.

9.40. Жамият Кузатув кенgashi Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув

кенгаш аъзоларидан бири бажарип туради.

9.41. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Бундан ташқари, Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- Тафтиш комиссиясининг;
- Жамият Бош директорининг;
- ички аудит ҳизмати бошлигининг;
- Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг;
- конунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

9.42. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисиның ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қиласди.

9.43. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бигта овозга эга. Мазкур Уставнинг “9.30.7.”, “9.30.12.”, “9.30.21.” ва “9.30.22” – бандлари кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.

9.44. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

9.45. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.46. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул килиниши мумкин, бундан ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирокида ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлислари мустасно.

9.47. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

9.48. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.49. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзолangan куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор хақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

9.50. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажарип турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб кўйилади.

9.51. Мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

9.52. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

9.53. Жамият Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, Жамият Бош директорининг, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу

жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиши мумкин.

9.54. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

### **с) Жамиятнинг ижроия органи (Бош директор)**

9.55. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи - Бош директор томонидан амалга оширилади.

9.56. Жамият Бош директори конунчилик билан таъкидланмаган ва акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

9.57. Жамият Бош директори акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.58. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан З йил муддатга сайланади (тайинланади).

Бош директор сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

9.59. Жамият бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.60. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.61. Жамият Бош директори ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

9.62. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

9.62.1. ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қиласди;

9.62.2. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассарруф этади;

9.62.3. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соғ активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа кимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

9.62.4. жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

9.62.5. жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

9.62.6. банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.

9.62.7. ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

9.62.8. жамиятнинг ташкилий тузилмаси доирасида штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;

9.62.9. жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;

9.62.10. жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

9.62.11.жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

9.62.12.жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;

9.62.13.жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

9.62.14.жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

9.62.15.жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

9.62.16.жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош директори томонидан белгиланади, шунингдек хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

9.62.17.қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

9.62.18.давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

9.62.19.жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамият кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

9.62.20.жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қиласди;

9.62.21.жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

9.62.22.жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлайди;

9.62.23.жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

9.62.24.филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;

Жамият ўзбек хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, бўйруқ ва фармойишлар чиқариш;

9.62.25.жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш, жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

9.62.26.ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлайди;

9.62.27.жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

9.62.28.ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;

9.62.29.жамият акциядорларининг умумий йигилишида ва кузатув кенгashi мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳукуқларига риоя қиласди;

9.62.30.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қиласди;

9.62.31. жамият Баш директори, қонунчилик, ушбу устав ва жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9.63. Жамият Баш директори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

9.64. Жамият Баш директори жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўлади.

9.65. Жамиятнинг Баш директорига тўланадиган устамалар, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар микдорлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва у билан тузиладиган шартномада белгиланган бўлиши керак..

9.66. Жамиятнинг Баш директорига ҳақ тўлаш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги ҳамда “Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисида”ги низомларга асосан амалга оширилади.

9.67. Жамият Баш директорини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.68. Жамият Баш директори томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарари сабабли у билан тузилган меҳнат шартнома Жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

9.69. Жамият Баш директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда уларнинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

9.70. Баш директорнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлиги у билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.

## X. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамиятда тафтиш комиссияси тузилиши (тафтишчи сайланиси) мумкин.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан сайланади..

10.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан бошқарув раиси молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

10.3. Тафтіш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибиға кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиси мумкин эмас.

10.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 foизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

10.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

• бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.7. Тафтиш комиссиясининг хulosаси мазмунига кўшимча талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

10.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

10.9. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган тартиб ва миқдорда белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

10.10. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

10.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошка хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

10.12. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

10.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ва жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширади.

10.14. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

10.15. Жамият корпоратив маслаҳатчининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

10.16. Миноритар акциядорларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

10.17. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

10.18. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида хозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

10.19. Миноритар акцидорлари ваколатига қўйидагилар киради:

• акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чикиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

• миноритар акциядорларнинг ўз хукуклари ва конуний манфаатларини химоя қилиш билан бөглиқ мурожаатларини кўриб чиши;

• кимматли қоғозлар бозорини тартиба солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини химоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиши;

• конун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиши.

10.20. Миноритар акциядорлар қўмитаси бошкарувига кузатув кенгаши ва ижроия органи аралашишига ҳақли эмас.

## XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йули билан амалдаги Конун хужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган такдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғлиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатта олинади ва шу вактдан бошлаб кучга киради.

11.4. Агар мазкур Уставни бирон бир коидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу коида бошқа коидаларни тўхтатиш учун сабаб булмайди.

11.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача коидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конунчилик хужжатлари коидалари қўлланилади.

11.6. Мазкур уставда тартиба солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги билан тартибга солинади.

Бош директор



К.Ш.Фатиллаев